



2015 у.г. "5" феврал № 159-К Самарқанд т-р Самарқанд

**“Улугбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулистон агротехсервис” агрофирмаси  
“Мароканд” деҳқон бозорига туташ ҳудудидан тадбиркорларга савдо дўконлари қуриш  
учун ер майдони ажратиш тўғрисида :**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги «Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида» ги 54-сонли ҳамда 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» ги қарорлари, «Қишлоққурилишлойиха» масъулияти чекланган жамиятининг 2012 йил 28 мартдаги № 103-сонли баёнини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» нинг 23-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Махаллий Давлат Ҳокимияти тўғрисида» ги Қонунининг 6-моддасига асосан

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н :**

1. «Улугбек» қишлоқ фуқаролар йиғини «Гулистон агротехсервис» агрофирмаси «Мароканд» деҳқон бозорига туташ ҳудудидан иловадаги рўйхатда номлари қайд этилган тадбиркорларга савдо дўконлари қуриш учун жами 0,30 га қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. «Улугбек» қишлоқ фуқаролар йиғини «Гулистон агротехсервис» агрофирмаси ҳудудидан тасдиқланган лойиҳа асосида тадбиркорларга 1 иловадаги рўйхат асосида ер майдонлари ажратилсин, ҳамда рўйхатда номлари қайд этилган тадбиркорлар томонидан қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси» нинг 8, 39, 54-моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа хужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Кадиров

164 8/18